

Юридик мақомга эга бюджет истеъмолчилари учун электр таъминоти ШАРТНОМАСИ

2022 йил «25» 04 -сон

Бағдод тумани

Бағдод тумани электр таъминоти корхонаси ишончнома асосида фаолият юритувчи

Бағдод тумани электр таъминоти корхонаси раҳбари: Собирон Давлатжон Валиевич

кейинги ўрииларда «Корхона» деб аталади) бир томондан ҳамда низо асосида

фаолият юритувчи Бағдод Тумани ЯВК (истеъмолчининг номи)

раҳбари Солтев Сапаржон (истеъмолчи раҳбарининг ўрииларда

«Истеъмолчи» деб аталади), ҳисоб рақами:

3	2	0	1	1
---	---	---	---	---

иккинчи томондан мақур шартномани

қуйдагилар тўғрисида тузиллар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу Шартномага мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўрииларда — энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭНЕРГИЯНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми: 2777 кВт.с., реактив - кВт.с. ни ташкил этади.

2.2. Етказиб берилган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий нархи 349850 сўми, тариф бўйича 450.

(тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 й.даги ПҚ-3379-сонли қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф (керамиси ёзилми) ни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб берилган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланмаган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали тариф ёки 08.11.2017 й.даги ПҚ-3379-сонли қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф бўйича амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган Истеъмолчи билан (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Давлат бюджетдан молиялаштирилган насос станциялари бундан мустасно) ҳисоб-китоб қилишда сутка вақтлари бўйича табақалаштирилган тариф қўлланилади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар сутканинг қуйдаги даирларида фойдаланилган энергия учун:

ярым тигиз давр - сутканинг ёруғ вақти (9-00 дан 17-00 гача) - белгиланган тариф бўйича;

тигиз давр - эрталабки ва кечки «энг катта микдор» (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкلامали соатларида: эрталабки «энг катта микдор» - 6-00 дан 9-00 гача, кечки «энг катта микдор» - 17-00 дан 22-00 гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш бўйича;

тунги давр - сутканинг қоронғи вақти (энг кам юкلامали соатларда: 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 06-00 гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда қамовчи коэффициентни қўллаш бўйича амалга оширилади.

Белгиланган тариф II тариф гуруҳи истеъмолчилари учун бир ставкали тарифга мос келади.

Табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоб қилишга мўлжалланмаган истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишда бир ставкали тариф қўлланилади.

Улаянган қуввати 750 кВАгача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда ширхни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатда назарда тутилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилишда Ҳукумат қарори билан белгиланган тариф қўлланилади.

3.3. Мақкур шартнома бўйича Истеъмолчи ҳамда Корхона ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун ҳисоб-китоб қилиш даври бир ой саналади.

3.4. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг, Худудий электр тармоқлари қорхонасининг (кейинги ўрииларда «Корхона» деб аталади) ноқолағли шахси билан

Энергияни йўқотишларини аниқлаш
ДАЛОЛАТНОМАСИ

Энергияни ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган энергия йўқотишлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергияни йўқотиш _____ кВт.соат ёки _____ фойзни ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш: _____ м;
Узуنлиги _____ мм2;
Кесими _____ ;

Русуми _____ ;
Кучланиши _____ кВ, булса, _____ кВт.соатни ёки _____ фойзни ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқотишлари: _____ м;
Узунлиги _____ мм2;
Кесими _____ ;

Русуми _____ ;
Кучланиши _____ кВ, булса, _____ кВт.соатни, ёки _____ фойзни ташкил этади;

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар ҳажми ҳисоб давридаги энергия сарфининг 02 фойзини ташкил этади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари шirkатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қарағилади.



Имзолар:



“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ
“ФАРҒОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ” АЖ
БАҒДОД ТУМАН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
КОРХОНАСИ



ЮРИДИК МАҚОМГА ЭҒА БЎЛГАН
ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

ШАРТНОМАСИ

№ 4. Абанент рақами № 320799
Ва-2009 тўғрисида АБКМ.
(қўшимча ва қорхона томони)

2022 йил

биргалликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ёзиб олади ва мазкур шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи тўғрисида ҳисобот тузади.

Истеъмол қилинган энергиянинг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб, Истеъмолчи томонидан ҳар ойнинг 25-санасидан 30-санাগача бўлган муддатда худудий электр тармоқлари корхонасига ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали белгиланган шаклда тақдим этилган энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот саналади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори бўлган қувватга уланган, табакалаштирилган тариф бўйича тўловни амалга ошираётган истеъмолчи энергия сарфи ҳақидаги ҳисоботида тўлиқ истеъмол қилинган энергия ҳажмидан (актив ва реактив) ташқари тигиз, ярим тигиз ҳамда тунги даврларда истеъмол қилинган ҳажмларни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиши лозим.

3.5. Тарифлар ўзгарганда, Истеъмолчи етказиб берилётган энергия учун тўловни янги тариф бўйича, улар кучга кирган кулдан бошлаб амалга оширади.

3.6. Истеъмолчига энергия етказиб бериш, у томонидан келгуви ҳисоб-китоб даври бошлангунга қадар шартномавий микдор кийматиининг 100 фоизини (100%) олдидан тўлагандан сўнг амалга оширилади.

3.7. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда ҳисоб-фактура ва тўлов учун ҳисоб-варагини беш кун мобайнида ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.8. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технология сарфлаши ҳажми Истеъмолчи билан биргалликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу Шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфлаши

ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.9. Истеъмолчи энергиянинг сарфлашини тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолчининг шартномада қайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варагини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Корхона вақиллари ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин Корхона белгиланган тартибда амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китоб қилади.

3.10. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифига устамалар, шунингдек, ҳисобга олинмаган энергияни қайта ҳисоб-китоб қилиш ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдидан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўламаса, корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун итўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия маҳсуус тартибда етказиб берилувчи истеъмолчилар 0,2 фоиз) микдорида, лекин муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

Истеъмолчининг айби билан энергия Шартномада кўрсатилган ҳажмда тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган микдордан 5 фоиздан ортиқ микдорда энергия олинганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган микдордан ортиқча олинган энергия жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг бир ярим баравари микдорида тўлов учндирилади.

3.12. Истеъмолчи Корхона билан биргалликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.13. Истеъмолчини тармоқдан узиб қўйиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;
хисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун рухсат этилмаганда;

хисобга олиш приборлари касддан

бузилганда, кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қиладиган хатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта хисоб-китоб Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қондаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

3.15. Истеъмолчи тармоққа унинг томонидан қойдабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бравари миқдорига тўлов ундирилгандан сўнг қайта уланади (ЭНХА)га уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўз электр қурилмаларини Корхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси отказиб беришнинг тўхталishi ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар қилиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажминини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда отказиб бериламлиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергияси отказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномаларини тузиш ва бажаришда юзага келадиган низолашни ҳал этиш учун сулга ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахста) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қондаларига риоя этилишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Корхона ва электр энергетика соҳасидаги давлат назорати органининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қондалари талабларини бажариш;

Корхона вакилларининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қамда бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори қувватга уланган Истеъмолчи:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкломали давларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкломасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини ҳисобга олиши ва Корхона талабига қўра хабар қилиши шарт.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан белгиланган тартибда етказилган ҳақиқий зарарни қоплатиш; авария режимида хабардор қилган ҳолда истеъмолчинини электр тармоқларидан узиш;

Кўрсатмаларга асосан ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдидан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчинини олдидан тўланган ҳақ тугатганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Корхона мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатларда истеъмолчиларни электр тармоқларидан узиш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг балансе бўйича мансублик бўлиниш чегарасида Шартномада кўрсатилган ҳажмда узлуксиз етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линиялари, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини режали таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги содир бўлиши мумкин бўлган узилишлар тўғрисида уч суткадан кечикмасдан оғоҳлантириш;

Истеъмолчинини электр энергиясини етказиб беришдаги узилишлар ва уларнинг сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдидан хабар бериш;

Истеъмолчининг электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа қоида бузарликлар тўғрисидаги аризаларини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечикмай кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига етказиб берилган энергия ҳисобини ўрнатилган тартибда юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган тақлифларига мувофиқ, беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда — истеъмолчига бу ҳақида рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчининг ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиши, шунингдек, бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишли таразда бажарилмаган ҳолларда, Корхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, Истеъмолчи эса етказилган реал зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Корхона:

истеъмолчи электр энергияси истеъмолнинг белгиланган режимида риоя қилмай, электр энергияси истеъмолчи ёки қувватнинг шартномавий микдоридан охиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан белгиланган электр энергияси истеъмолчини чеклаш жадвали бажармаганда, паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик таразда тез-тез ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун истеъмолчи олдидан моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона - Электр энергиясидан узилганда ёки ентиб бўлмайдиган куч ҳолатлари юзга келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдидан жавобгар бўлмайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзга келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибда ҳал қилинади.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2024 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади. Шартномага киритилган ўзгартиришлар жорий ойга тадбиқ этилмасдан, келгуси ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугатганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугатилган бир ой олддин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланадиган икки нусхада тузилади. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонлардан бирининг ташаббуси билан муддатидан олддин иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан 30 кун олддин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шarti билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

Истеъмолчи:

Почта манзили Бағдод 7-иш. Ўшчилик в-си
 Ҳисоб рақами 2348280030018001010
 Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 20158018
 Истеъмолчининг юридик манзили бўйича кадастр рақами
 Маҳалланинг номланиши

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган Истеъмолчилар

учун:

Бюджет фонднинг ҳисоб рақами 1000291603020097695090
 Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 20158018
 Бюджет фонднинг ҳисоб рақами
 Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____
 Телефонлар 47-91-8-48 Факс: _____

(Истеъмолчи, шу жумладан унинг раҳбарини уяли телефони кўрсатилади)

Статистик кодлар:

ОКЭД _____
 СООГУ _____
 СОАТО _____
 ҚФС _____
 КОПФ _____
 ОКПО _____

Корхона:

Почта манзили: Бағдод тумани А. Темур кўчаси 47 "А" уй
 Ҳисоб рақами: 2263 6000 6002 1528 9453
 Банк коди (МФО) 00494 (ИНН) 200 144 930
 Телефонлар: 73-479-18-54 Факс: 73-479-13-37

Статистик кодлар:

СООГУ 1013
 СОАТО 1730401

Корхона вақили:

М.У. Имзо, Ф.И.О. _____

Истеъмолчи:

М.У. Имзо, Ф.И.О. _____

Юрист хулосаси:

Ушбу шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юригувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб шартнома лойиҳасининг қонунийлик ҳужжатларига мос келишини аниқладим.

Шу сабабли ушбу шартномани имзолаша бўлади.

Имзо Д.А.Ҳакимов

**Ўтказиб бериладиган энергия
 ХАЖМИ**

1. Тариф гуруҳи 2-Мошхорошго 450кВ/4 оғунас.Товар-
 2. Фаолият тури Бюдж.с.т ний тариф

3. Истеъмолчи электр қурilmаларининг уланган қуввати: 20 кВА (кВт)

4. Электр таъминотининг ишончилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича)

5. Ҳисоб-китоб тури:

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 й.даги ПҚ-3379-сонли қарорда тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тасдиқланган тариф (қераклиси ёзилсин)

	Энергия ҳажми минг кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича
Йил, жами	<u>1170</u>	
Январь	<u>833</u>	
Февраль	<u>292</u>	
Март	<u>222</u>	
Апрель		
Май		
Июнь		
Июль		
Август		
Сентябрь		
Октябрь		
Ноябрь		
Декабрь		

Корхона бир кунда _____ соат, бир ойда _____ кун ишлайди.
 Сменалар бўйича юклама нисбати % да, I _____, II _____, III _____ ни ташкил қилади.

Корхона вақили:

М.У. Имзо, Ф.И.О. _____

Истеъмолчи:

М.У. Имзо, Ф.И.О. _____

Энергияни ҳисобга олиш приборлари
ЎРНАТИЛГАН ЖОЙЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФЛАРИ

Истеъмолчининг (субъектнинг) ҳисобга олиш прибори уриштирилган	Хисобга олиш прибори тури (актив, реактив, номинал токи)	Хисобга олиш прибори ва рақами	Хисобга олиш прибори клемма қошқоғидаги пломбанинг Қорхонанинг	Ўлчов трансформаторларининг трансформация коэффициентини		Хисобга олиш приборнинг шартнома тузилган кундаги кўрсаткичлари	Тариф тури сума/1 кВт.с.
				Ток	Кучла ниш		
04 КВ ШМТ	CF-303	009338167226450		250 В ВК	717=210	2490	450

Истеъмолчи:



Имзолар:



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

2. Хар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органилари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонуна хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устуналислар олинмаганлигини (қалажасда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таъсурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пурағачи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

3. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органилари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва руҳсатномалар олиш, солиқ солиш, боғхона расмийлаштирувнинг амалга ошириш, сулда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонуна хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устуналикка эга бўлиш ёки саклаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишининг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонуна хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинсий фаолиятда олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг қилиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундан, тазйиқ/қазини ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

4. Тарафлар тоналрлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, руҳсатномалар ва бошқа руҳсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг мақсаатларини қўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва

улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пулратчилар, агентлар, савдо вакиллари, хукукшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакиллarga) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериши;

-улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

-уларни фақат тарафнинг оддий қучдалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилини;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортқича тўловларни амалга оширмаслик.

5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйқўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳавда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичда тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичда тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқилиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб бериши талаб қилишга ҳақли.

Имзолар:

Истеъмолчи: _____
 Корхона: _____
 (М.У. Имзо) (М.У. Имзо)

Томонлар электр тармоқларининг балансе мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик четараси ДА.Ю.ЛАТНОМАСИ

1. Истеъмолчининг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

- а) ҳavo линиялари _____
- б) кабель линиялари _____
- в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари _____

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасида электр тармоқларининг балансе бўйича мансублик четараси: 10.10 КВли ДМВ н-си 10 КВли Ф.О.М. 70-х.м. уз.т.маси 77-567-180 КВ.М.И.У.У.С.Й. ХУЛ узатмаси уз.т.маси 77-567-180

3. Улардан қуйидагилари: а) _____

б) _____ хизматлар Истеъмолчи ходимлари томонидан;

Истеъмолчи билан тузилган Шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик четараси қуйидагича белгиланди: _____ КВли _____ н-си _____ ХУЛ узатмаси _____

Истеъмолчи: _____
 Корхона: _____
 (М.У. Имзо) (М.У. Имзо)

улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, хукукшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;
- уларни факат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

5. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъйинқўзғилмаслигини кафолаглайдилар.

6. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳавда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қондабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқилган натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

Имзолар:

Истеъмолчи:  (М.У. Имзо)
Корхона:  (М.У. Имзо)

Томонлар электр тармоқларининг балансе мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси ДАЛЮЛАТНОМАСИ

1. Истеъмолчининг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:
а) ҳаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари _____

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасида электр тармоқларининг балансе бўйича мансублик чегараси: 10 кВли КВли ДМБ н-си 10 кВли Фрам. То.ХМ 4302.2022.0804 ХУЛ узатмаси ТП-564-180 КВли и.У.И

3. Улардан қуйидагиларга:
а) _____

_____ хизматлар Истеъмолчи ходимлари томонидан;
б) _____

Истеъмолчи билан тузилган Шартнома асосида электр таъминоти қорхонаси ходимлари томонидан кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: _____ / _____ КВли _____ н-си _____ ХУЛ узатмаси _____

Вакиллар:

 (ИМЗО) М.У.
 (ИМЗО) М.У.

Истеъмолчи

Корхона